



Фракция йиғилиши

## ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ

халқ манфаатига хизмат қилсин. «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг фикри шундай.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Дастлаб депутатлар биринчи ўқишда киритилаётган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» қонун лойиҳасини муҳокама этти.

Ушбу масала бўйича қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси Муҳаббат Абдуллаеванинг маърузаси тингланди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳамда Оила кодекслари бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, — деди маърузачи. — Шунга қарамайдан, бола ҳуқуқлари, уларнинг ҳимояси бўйича давлат кафолатини таъминловчи, янада мустақамловчи алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш зарурати юзага келди.

Таъкидландики, мазкур қонун лойиҳаси «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни қонунчилигимизда амалга оширишнинг қатор ўзгаришлар давомийлиги сифатида эътироф этиш мумкин.


Муҳокама давомида фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳасини янада мукамаллаштириш мақсадида турли таклиф ва тавсиялар билдирилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга хизмат қилиши айтиб ўтилди.

Фракция аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда қўриб чиқиш учун киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида» қонун лойиҳасини ҳам қўриб чиқдилар. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Собир Турсунов маъруза

Уз мухбиримиз

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

«Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги билан экспорт қилинган маҳсулотлар тури ва ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Хонобод шахридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — телефон, сигнализация, турли кабеллар симлари нўлат, рангли металл ҳамда уларнинг қотишмаларидан тайёрланган металл турларга талаб тобора ортмоқда.



Узоқни яқин, оғирни енгил қилишга хизмат қиладиган бу маҳсулотлар ўзининг юқори сифати билан аллақачон харидорлар ишончини қозongan.

Корхонанинг жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлари Эрон, Туркия, Туркменистон, Россия, Қирғизистон, Қозоғистон сингари кўплаб давлатларга экспорт қилинпти.

Ҳозир қўшма корхона фаолиятини кенгайтириш

учун мавжуд цехлар реконструкция қилиниб, замонавий технологик ускуналар ўрнатилмоқда. Бу қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини беради.

Суратларда: (чапдан) цех устаси Насриддин Каримов ишчи Абдуваҳид Сиддиқов билан ўров цехида иш жараёнини кузатмоқда.

Ш.ОЛИМОВ (Ў.А) олган суратлар.

Маҳаллийлаштириш дастури ва Кооперация биржаси — тараққиёт омиллари

## ТАРМОҚЛАРАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

«Ўзэксспомарказ»да Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси давом этмоқда

Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида 15 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликлари, «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компаниялари, «Ўзфармсан» давлат акционерлик концерни тизимидаги корхоналар маҳсулотларининг тақдими бўлди.

Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрда эълон қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз саноат корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини изчил ривожлантиришда муҳим омили бўлмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳаларда, жумладан, тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар аҳолини тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, оналик ва болаларни муҳофаза этишга хизмат қилмоқда. Юртимизда тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида бирламчи тиббиёт муассасалари

— кишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий шифохоналар тизими жорий этилгани бунга ёрқин мисолдир.

Президент Ислам Каримовнинг 2006 йил 14 июлда қабул қилинган «Маҳаллий доридармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳада олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилаётди. Хусусан, дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва фармацевтика саноатини янада ривожлантиришда «Ўзфармсан» давлат акционерлик концерни алоҳида ўрни бор.

Шоҳалил ШОРАХМЕДОВ, «Ўзфармсан» давлат акционерлик концерни бошқаруви раисининг маслаҳатчиси:

— Йигирмадан зиёд корхона ва ташкилотни бирлаштирган компаниямиз тизимида фаолият олиб бораётган корхоналар энг илгор технологиялар билан жиҳозланган. Улар замонавий талабларга мос ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва маҳсулот сифатини янада яқинлаштириш имконини бermoқда. (Давоми 2-бетда)



Олий Мажлис Сенатида

## БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг мажлисида «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий таркибий бўлинмалари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг бу йўналишдаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида ҳамда 2007 йил 2 октябрда қабул қилинган «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарориди белгиланган вазифалар руҳида амалга ошириб келинаётганлиги мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Олий Мажлис Сенати кўмитасининг мажлисида ишчи гуруҳ аъзоларининг, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг ахборотлари тингланди, шу аснода мазкур Қонун талабларига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимида бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш борадида муайян ишлар амалга оширилганлиги ҳам айтиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда)



Янги рукн: сафдошлар ибрати

## ЭЗГУ ИШГА КАМАРБАСТА

Бурчини чуқур англаб мақсад сари интиладиган киши ҳамма нарсасга эришади, жамиятда ўз макени топади, обрў-эътибор қозонади. Партия аъзоси, бошланғич ташкилот етакчисининг бурчини эса масалаларнинг ахборотлари тингланди, шу аснода мазкур Қонун талабларига мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимида бюджет маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланиш борадида муайян ишлар амалга оширилганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Ана шундай ташаббускорлик, курашчанлик ҳислатлари боис «Адолат» СДП аъзоси Рустам Муродовни сафдошлари астойдил ҳурмат қилишади. Партия дастурий қўллаб-қувватлашга интилади.

Рустам Муродов Тайлоқ туманидаги 30-умумтаълим мактаби директори, айна чогда ўқув даргоҳи қошидаги бошланғич партия ташкилототи котиби. Бу ерда қурт

эзби кўпчиликлари наф келтирган, жамоани Самарқанд вилоятига танитган энг яхши ташаббускорларнинг ижодкори ҳам аслида шу инсон.

Мактаб директори таълим жараёнига янги услубларни жорий этиш бўйича халқаро танловда иштирок этиб, Япония грантига сазовор бўлган эди. Шу асосда ўқувчи қизлар хунар ўрганишлари учун 10 та замонавий тикув машинаси олинди. Бугун ёшлар қўлидан қадаётган турли либослар беҳиримлиги билан кишида ҳавас уйғотади. Муҳими, шундай ташаббуслар туфайли ўқувчилар ўртасида бўш вақт муаммоси ижобий ҳал этилди.

— Ёшларга билим бериш учун энг яхши ўқитувчиларни мактабга жалб этганмиз, — дейди суҳбатдошимиз Рустам Муродов. — Табиийки, биз уларнинг самарали меҳнатларини ҳар қадамда

рағбатлантириб бораёямиз. Оилавий шароити оғирроқ педагогларга моддий ёрдам кўрсатаёямиз. Яқинда бошланғич синф ўқитувчиси Хилола Хайриевага бир бош қорамол сотиб олиб бердик.

Дарвоқе, мактабнинг ўз боғи, ёрдамчи хўжалиги бор. Иқтисодий муаммоларини ҳал этишда яна қўшимча имкониятлар излаб топилаётган. Асосийси, бошланғич ташкилот атрофида бирлашган «Адолат» СДПнинг 38 нафар аъзоси янгилик яратилган, таълим-тарбия жараёнидаги такомиллаштиришдан асло эринмайди. Туман ва вилоят миқёсидаги турли семинар, конференцияларда бой ижодий маърузалар билан иштирок этишади. Ўқитувчи партиядошларнинг таърифи эса кўпчилик ҳамкасбларга мақул келмоқда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Адолат» мухбири



Партия кўзгуси

## АНИҚ ФАОЛИЯТ САМАРАСИ



Демократик ислохотларни амалга оширишда мавжуд сиёсий институтларнинг ўрни салмоқли. Зотан, сиёсий партиялар мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашда муҳим вазифани бажаради.

Ҳозирги кунда шаҳар Кенгаши ўз атрофида 45 та бошланғич партия ташкилотини бирлаштирган. Уч миң нафарга яқин аъзоларимиз ҳар ишда фаол ва ташаббускор. Уларнинг сай-ҳаракати билан жорий йилнинг ўтган қисмида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Олий ўқув юртлири ва маҳаллаларда ўтказилган Олий

Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашуларда, «Еш адолатчилар» эстрада гуруҳининг ёшлар ўртасидаги тадбирларида фуқароларимиз фаол иштирок этишди. Айниқса, шаҳар Кенгаши томонидан пойтахт миқёсидаги Абдулла Қодирий номли истироҳат боғида ўтказилган Мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланган катта байрам тадбири зўр уюшқоқлик билан ташкил этилиб, барчада илқ таассурот қолдирди. Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида бўлиб ўтган «Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилишда аёлларнинг ўрни» мавзусидаги се-

минар эса хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришга катта ёрдам берди.

«2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан шаҳар Кенгаши томонидан талай хайрли ишларга қўл урилди. Масалан, шаҳар Кенгаши ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга 4 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳрибонлик уйларида 1,5 миллион сўмлик соғалар топширилди. Сирғали туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида «Болалар майдончаси» қуриб берилди.

Париди ПАРМОНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи котиби

## «АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Урганч туманидаги Болалар ижодийти марказида бошланғич синф ўқувчилари иштирокида «Йилнинг энг зукко ўқувчиси» танлови ўтказилди. Ғолибларга туман партия Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Гурлан туман партия Кенгаши ташаббуси билан Сахтиён қишлоғида «Президент сайловида «Адолат» СДПнинг иштироки» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Ҳазорасп туманидаги Саноат қишлоғида партия туман Кенгаши ташаббуси билан давра суҳбати бўлиб ўтди. «Сайлов — демократия кўзгуси» деб номланган тадбирда партия аъзолари ва фуқаролар фаол иштирок этишди.

Андижон вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан Хўжабод туманидаги «Еттиқинор» сайлов участкасида сайловолди кампаниясини ташкил этиш ва уни ўқатиш ҳамда жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни ҳақида фуқароларга маълумот берилди.

Балиқчи туман халқ таълими бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан «Бахтимиз Комуси» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбир туман партия Кенгаши ташаббуси билан ташкил қилинди.

Избоскан туманидаги «Янгиқишлоқ» маҳалла фуқаролари йиғинида «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбир Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланди.

Булунгур туманида «Адолат» сиз билан» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар «Адолат» СДПнинг сиёсий жараёнлардаги ўрни ва бугунги кунда амалга ошираётган ишлари тўғрисида гапиришди.

Пайариқ туман Кенгаши ташаббуси билан халқ таълими биносида «Ижтимоий адолат ва ижтимоий бирдамлик» деб номланган тадбир ўтказилди.



Пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Камалат» болалар ташкилототи ташаббуси билан ташкил этилган «Янги авлод-2007» республика болалар ижодий фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.

Элликқалъа туманидаги Сарийой мавзесида 540 ўринли агроиқтисодий коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 720 миллион сўм бўлган ушбу масканда 6 йўналиш бўйича таълим берилади.

Қарши-Термиз магистрал оптик толали алоқа линияси ишга туширилди

Ўзбекистон Базмий академиясининг марказий кўргазмалар залида «Ўз-ФармЕкспо Ўзбекистон-2007» учинчи халқаро иқтисодлашган фармацевтика кўргазмаси очилди.

Тошкентда «Цемент саноати ва бозор» мавзусидаги еттинчи Марказий Осиё халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида умумтаълим мактаблари ва коллежлар учун яратилган ўқув услубий қўлланмалар ҳамда бадиий адабиётлар кўргазма-ярмаркаси ўтказилди.

Навоий шаҳрида «Усто-2007» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.



Ўзбекистон почтаси, «Матбуот тарқатувчи» идоралари ва бошқа ташкилотлар томонидан расмийлаштирилмоқда. Газет нашр индекси — 100.

«АДОЛАТ» гошмий хамроҳингиз бўлсин!

## МОЛИЯВИЙ

БОЗОРДА  
ЕТАКЧИ

Кейинги йилларда "қимматли қўғозлар", "акция", "дивидент" каби атамалар тобора кундалик ҳаётимизга сингиб борапти. Бу атамалар нафақат тилимизда, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда ҳам муқим ўрнашиб, бўш маблагларимиздан унутилмай фойдаланишимизда кўл келмоқда.

Дарвоқе, ақциялаштириш жараёни молия бозорининг асосий қисмларидан бири — қимматли қўғозлар бозорини шакллантиради, унинг инфра-тузилмасини ташкил этади. Шу боис ҳам, кейинги йилларда республикада қабул қилинган "Қимматли қўғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги, "Қимматли қўғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги, "Ақциядорлик жамиятлари ва ақциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Қимматли қўғозлар бозоридида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар айнан қимматли қўғозлар бозорининг шаклланишига ҳуқуқий асос бўлди.

Молия бозорининг энг муҳим жиҳатларидан бири юқори самара берувчи иқтисодиётнинг жадаллаштириш бўлиб, у сармоялар жалб этилишини рағбатлантиради, бўш пул маблағларини соҳалар ўртасида қайта тақсимлашни ва муттасил ривожланиб бораётган истиқболли соҳалар фойдасига тақсимлашини таъминлаб боради. Зеро, ривожланган молиявий бозор — ишлаб чиқариш тараққиётини рағбатлантирувчи кучли манба. Дейлик, баъзан иқтисодиётнинг айрим тармоқларида пул маблағлари бўш туради, айрим тармоқларда эса етишмайди. Шу боисдан ортқча маблағ эгаларини маблағ зарур бўлганларга урғаштиришга ёрдам бера оладиган ме-

ханизм яратилиши керак. Бизда эса бундай механизм, бу — молия бозори. Ортқча маблағ эгалари ва маблағга эҳтиёжманд истеъмолчилар молиявий бозорда учрашади. Бу бозор мураккаб тузилишга ва юқори-паст поғоналарга эга бўлиб, унда жуда катта микродағи пуллар бир вақтнинг ўзига турли йўналишларга ўтиб туради.

Хозир молиявий бозорда энг кўп олдиди-сотиб қилинадиган объектлардан бири ҳар хил турдаги қимматли қўғозлардир. Қимматли қўғоз мулкка эгаллик ҳуқуқини ёки қимматли қўғозни чиқарган эмитентнинг шу қўғоз эгасига қардорлигини тасдиқлайди-кан пул ҳужжатидир. Қимматли қўғозни сотиб олишда турли мақсадлар кўзда тутилади ва одатда, қимматли қўғозларгина бир ҳаракат орқали бир йўла бир неча мақсадларга эришиш имконини беради. Қимматли қўғозни сотиб олиш билан даромад олиш, дастлабки сармояни кўпайтириш, ажратилган маблағ хавфсизлигини таъминлаш ва ликвидликка эга бўлиш каби мақсадларга эришиш мумкин.

Маблагларни жойлаштиришнинг самарали йўллари қидириш ва қимматли қўғозлар олдиди-сотиб қилиш амалга оширишда корхоналар воситачиларга мурожаат қилади. Бунда фонд биржалари бўлимлари, инвестицион институтлар, банklar воситачи бўлиб майдонга чиқишлари мумкин. Бир сўз билан айтганда, қимматли қўғоз (акция, дивидент)лар наинки молия бозоридида, иқтисодиётда ҳам истиқболли соҳалар сирасига қиради.

Шерзод МАРДОНОВ,  
Тошкент Молия институтининг  
катта ўқитувчиси,  
Гулсарвар РАҲУПОВА,  
талаба

2007 йил 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови кунини

## САЙЛОВ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕЗОНЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаш бош мақсад қилиб қўйилди. Бунинг учун, аввало, мустақам ҳуқуқий асос яратилди, яъни Конституциямизда умумэтироф этилган ҳақ-қаро ҳужжатларга мос инсон ҳуқуқ ва эркинликларини белгиллаб қўйилди. Шунингдек, уларни амалга ошириш механизми жорий қилинди. Бинобарин, давлатларнинг тарихий ривожланиш тажрибаларидан маълумки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини намойён этадиган шартлардан бири уни амалга ошириш учун қандай шарт-шароитлар яратилгани билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг демократик ҳуқуқий давлат қуришдан мақсади — мамлакатда яшовчи ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашдир.

Давлатимиз раҳбари Исролом Каримов таъкидлаганидек, "Демократиянинг энг муҳим принципи — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим".

Зеро, сайлов ҳуқуқ — фуқароларнинг муҳим сиёсий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Сиёсий ҳуқуқлар, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан фарқли ўлароқ, шахснинг фуқаролиги тўғрисида фойдаланиш мумкин бўлган ҳуқуқлар сирасидан. Сиёсий ҳуқуқлар давлат томонидан эътироф этилади ва таъмин-

ланади. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг асосий манбаи — Конституциядир. Хусусан, Конституциянинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Конституциямизнинг 117-моддаси эса айнан сайлов тизимига бағишланган. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Президентини сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги ва "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлардан бири сайловдир. 18 ёшга тўлган муомалага лаёқатли фуқаролар сайлов ҳуқуқига эга ҳисобланади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз, деб топилган фуқаролар ва озоликдан маҳрум этилган фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига эга эмас. Фуқаролар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларидан фойдаланиб давлат бошқарувида ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида бевосита ва билвосита иштирок этадилар. Шу билан бир қаторда, давлат ҳар бир

фуқаронинг бошқарув ишларида фаол иштироки учун зарур имкониятни таъминлайди.

Конституциямизнинг 117-моддасига биноан, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти ва вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар". Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Конституциямизга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Президентликка сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини Конституциямизнинг 32-моддасида алоҳида мустақамланган. Унга кўра, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади".

Ўзбекистон фуқаролари айнан сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан илгари сурилган номзодлар орасидан Президентликка номзодларни танлашлари ва уларга овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин. Бу ҳуқуқлар конституциявий асосда ҳимояланган бўлиб, фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётига оид масалаларни ҳал қилишдаги иштирокини тўлиқ таъминлайди.

Шу билан бирга, Конституциямизнинг 34-моддасида фуқароларнинг сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига бирлашиш ва оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқини белгиланганки, ушбу қоида ҳуқуқий демократик жамият барпо этаётган давлатнинг демократик принциплари талабларини ўзида ифодалайди ҳамда фуқароларга ўз сиёсий ҳуқуқларидан амалда фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратди. Утган йиллар мобайнида бундай ҳуқуқлар демократик принциплар асосида тўла шаклланди ва бевосита ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фуқароларнинг қарийб, 1,5 миллиони сиёсий партияларга уюшган, ўн миллион киши касба уюшмаси аъзолари ҳисобидан бўлиб ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига доир давлат сиёсати қонун асосида мустақамланган, иқтисодий, сиёсий, юридик ва ташкилий кафолатлар тизими билан мустақамланган. Инсон ҳуқуқларига амал қилиш, уларнинг ҳалқаро ҳуқуқ меъёрлари даражасига мос бўлишини таъминлаш борасида қўллаб-қўллаб ҳужжатлар қабул қилинган. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини такомиллаштириш мақсадида ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик янада кенгайтирилаётгани, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Н.ШОКИРЖОНОВА,  
Тошкент Давлат юридик институтини ўқитувчиси

Хориж  
АббарлариБАРҚАРОРЛИКДА  
ЕТАКЧИ

Саудия Арабистони иқтисодий барқарорлик бўйича 131 мамлакат орасида учинчи ўринни эгаллади. Бутунжаҳон иқтисодий форумида эълон қилинган 2007-2008 йилларда рақобат даражасини аниқлаш бўйича ҳисоботда шу ҳақда маълум қилинди.

Мамлакат ўтган ойда Халқаро Банкка тегишли IFC молиялаштириш бўйича Халқаро корпорация томонидан араб дунёси ва Яқин Шарқ мамлакатлари орасидаги сармоявий муҳити энг барқарор мамлакатлар қаторида тан олинган.

Саудия Арабистони, шунингдек, араб давлатлари орасида мамлакатга қиритилган сармоялар ҳажми бўйича биринчи ўринни эгаллаган — сармоя миқдори 27 миллиард АҚШ доллари ошаб кетган. Яна бир маълумот: араб давлат-



лари иқтисодиёти учун сармоялар этилган сармояларнинг умумий ҳажми 2005 йил давомида рекорд даражага етган. Барча араб мамлакатлари сармояларининг Саудия Арабистонига қиритган қисми эса 75,8 фоизни ташкил этган.

ҚУЙИ ПАРЛАМЕНТ  
САЙЛОВИ

Италия парламенти қуйи палатасига сайловлар ўтказилди.

Сайловларда Романо Прондининг "Иттифок" коалицияси сайловчиларнинг 49,8 фоиз овозини тўплаб, гала-

ба қозонди. Унинг сайловдаги асосий рақиб Силвио Берлусконни коалицияси эса 49,73 фоиз овоз тўплаган.

УЧ ТОМЧИ СУВДАЙ  
ЎХШАШ

Австриянинг Фелдхирх шаҳридаги шиғоҳонада худди уч томчи сувдай бир-бирига ўхшайдиган уч эгизак қиз дунёга келди.



Дунёга келган янги меҳмонларнинг оғирлиги 1,5 килограмм, бўйи 40 сантиметр. Уларга Эми, Ким ва Зоя деб


исм қўйилди. Тиббиёт ходимларининг сўзларига кўра, бундай байни бир хил эгизаклар ҳар 200 миллион онадан биттасида учраши мумкин. Сўнгги хабарларга кўра, Америкада ҳам асли Костарикалик икки ёшли сиам эгизакларини 9 соатлик операция жараёнида ажратиб олишган.

БАЙКАЛ КЎЛИ —  
БОЙЛАР КЎЛИМИ?

Байкал кўли бир неча миллион йиллардан сўнг янги океанга айланиб, Қурл ороллари, Камчатка, Япония ва Америка минтақасининг бир қисmini ўз домига тортиши мумкин.

Океаншунос олимларнинг фикрича, сайёраимизда бундай ўзгаришлар ҳар 600 миллион йилда бир маротаба содир бўлади.

Дунёдаги энг чуқур кўл ва сув сатҳи тобора кўпайиб бораётган мазкур "кичик океан" тарихи бизнинг аجدодларимиз билан боғлиқ экан. Манбаларга кўра, қадимда Байкал атрофида Ўрта осёғлиқлар умргузаронлик қилишган ва бу жойни "Бойлар кўли" деб аташган. Ҳозирги давргага мазкур сўзлар ўзгариши натижасида "Байкал" сўзи келиб чиққан.

«ҲАВО КЕМАСИ»ГА  
ИЛК ХАРИДОР

«Airbus-A380» самолётининг биринчи шахсий харидори Саудия шаҳзодаси Алауд бин Талал ал-Сауд бўлди.



Сайёраимизнинг энг бой одамларидан бири ҳисобланган араб шаҳзодаси 320

миллион долларга баҳоланган улкан «ҳаво кемаси»га 2010 йилдан эгаллик қилади. «Airbus» компанияси вакиллари фикрича, ҳозирга қадар яна 20 нафар киши мазкур самолётларни сотиб олиш ҳақида буюртма берган. Уларнинг аксарияти Яқин шарқликлар ҳисобланади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ  
қондаларига амал қилайлик

Ўлкамизда қиш фасли кириб келиши билан аҳоли хонадонларини иссиқлик манбалари билан таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Бироқ, айрим хонадон соҳибларининг носоз иситиш воситаларидан фойдаланиши ёки ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслиги тўғрисида турли кўнгилсиз воқеалар юз беради.

Маълумки, бундай нохуш ҳодисалар оқибатида нафақат ёнғин содир бўлган манзил, балки қўшни хонадонлар ҳам катта моддий зарар қўриши, ҳатто инсонлар ҳаётдан қўз юмиши мумкин. Мисол учун, Зомин туманидаги Агрисаноат қоллежиде табиий газдан нотўғри фойдаланилган бонс қўни ёнғин келиб чиқди. Натижада бир киши қучли тан жароҳати олиб, касалхонада вафот этди.

Афсуски, бундай кўнгилсиз воқеалар турмушимизда учраб туради. Уларнинг қўнчилиги ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилмаслиқ оқибатида содир бўлмоқда. Бу йил ҳам кузги-қишқи мавсумда нохуш воқеалар такрорланмаслиги учун барчамиз бирдек масъулиятни ҳис қилишимиз лозим. Ана шунда тилсиз ёв — ўт балосидан оила аъзоларимизни, фарзандларимизни, қолаверса, мол-мулкимизни асраган бўла-миз.

Нодир ПАРПИВ,  
Тошкент шаҳридаги 12-ХЕО 4-алоҳида пости инспектори

## ТАЛАБ ВА ТАҚЛИФГА МОС

Тошкент трактор заводи жаҳон стандартларига мос замонавий трактор ва тиркамалар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона корхона ҳисобланади. Завод хорижий технологияларга асосланган юқори илмий-техник ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятига эга.



Илк фаолиятини бошлаган пайтда заводда 50 от кучига тенг Т28Х4 русумидаги бир гидравлик гидравлик бошқарувли оддий тракторлар ишлаб чиқарилган бўлса, йиллар мобайнида ишлаб чиқариш қуввати ошиб борди. Энг асосийси, заводда катта илмий салоҳиятга эга мута-

хассис кадрлар захираси шаклланди. Айниқса, мустақиллик йилларида бозор талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қолаверса, минтақа иқлим шароитига мос қишлоқ ҳўжалик техникалари ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратилди. Корпусли механизмлар, валл,

оператор ўриндиғи, қоплама қисмлари, кабина, транспорт ва пахтачилик моделлари замонавийлаштирилиб, халқаро стандартларга тўла мослаштирилди. Натижада янги моделлар ишлаб чиқарила бошланди. Масалан, 1992 йилда ТТ3-80.10 ва ТТ3-80.11, 1997-2005 йилларда 92 от кучига эга ТТ3-ЮОК русумли тракторлар халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига етказиб берилди. Бундан ташқари, ривожланган конструкторлик-технологик базадан оқилона фойдаланган завод жамоаси коммунал ҳамда қурилиш ишлари учун тракторнинг юклагич, асфальтқирқич, галтакмола ва бошқа турларини ҳам ишлаб чиқарди.

Хозирги кунда корхона Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбойжон ва Россияга ишлаб чиқарилаётган барча турдаги техника воситаларини экспортга чиқармоқда. Мисол учун, жорий йилнинг олти ойи мобайнида 393 минг 580 АҚШ

долларига тенг техника воситалари хориқлик ҳамкорларга етказиб берилди. Бундан ташқари, жорий йил бошида "Туркманпахта" давлат концерни билан умумий қиймати 3.03 миллион АҚШ доллари тенг 1008 та тиркама ишлаб чиқаришга шартнома имзоланди. Шартномага кўра, тиркамалар пешма-пеш жўнатилмоқда.

Айни пайтда завод жамоаси замон талабларига тўла жавоб берадиган янги трактор яратиш устида қизғин иш олиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу трактор олдинги ишлаб чиқарилаётган тракторлардан тубдан фарқ қилади. Унга ICO — 9000нинг барча халқаро стандартларига мос келувчи қулай ва шинама кабина ўрнатилди. Янги турдаги тракторнинг тажриба намуналари тайёрланди, синовдан ўтказилмоқда.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,  
«Адолат» мухбири  
Носир ҲАЙДАРОВ  
олган сурат.

## БЮДЖЕТ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)  
Аниқ мақсадга йўналтирилган дастурлар, шунингдек Ҳукумат қарорлари доирасида фуқаролар соғлигини сақлашнинг тубдан яхшилаш, аҳолининг соғлом ва муносиб турмуш тарзини таъминлаш юзасидан, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш, навуқрон авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол этиб тарбиялаш учун зарур шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими бутунлай қайта қўриб чиқилди ҳисоб, аҳолига юқори малакали бепул шифолиқ тиббий ёрдам кўрсатиш учун замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган касалхоналар ва бўлимлар тармоғи яратилди. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида жиддий ўзгаришлар содир бўлди, замонавий тиббий техника билан жиҳозланган уч мингдан ортқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Тиббиёт ходимлари рағбатлантириш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими тубдан қайта қўриб чиқилганлиги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сиёсий

анчагина яхшилашга ёрдам берди.

Бюджет маблағлари соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда сарфланди, бу эса тармоқнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини мақбуллаштириш ишларини давом эттириш имконини берди. 2007 йилги Давлат бюджет параметрларида соғлиқни сақлашга ўтган йилги кўрсаткичдан 32 фоиз кўп маблағ назарда тутилган, бу йил тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатлари 1,4 баравар ўсди. Моддий-техник рағбатлантириш ва моддий-техникавий ривожланиш жамғармаси маблағлари икки баравар ошди. Бу эса ишда ўзини қўрсатган ва ибрат бўлган тиббиёт ходимларининг моддий рағбатлантириш имкониятларини кенгайтиришга ҳамда уларнинг меҳнат шартлоини яхшилаш ва сифатини яхшилаш вазифаларини ҳал қилишга ёрдам берди.

Бюджетдан ташқари маблағлар ҳажми бошқа манбалар қатори пулли хизматларни ривожлантириш ҳисобига йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2007 йили бюджетга ўтган йилнинг шу даражасига нис-

батан 1,3 баравар кўп қўшимча маблағ тушди. Шу билан бирга мажлис иштирокчилари айрим соғлиқни сақлаш муассасаларида, айниқса Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида бюджет маблағларидан ўз ўрнида ва самарали фойдаланмаслик, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомата ҳамда уларни талон-торож қилиш ҳоллари ҳамон барҳам топмаганлигини ҳам айтиб ўтидилар.

Масалани муҳокама қилиш чоғида сенаторлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари эътиборини ажратилаётган маблағлардан тармоқни тартибга солиш, камқувват муассасаларини қўл тармоқли касалхоналар ва поликлиникаларнинг таркибий бўлинмаларига айлантириш орқали оқилона ва самарали фойдаланиш нозорат қилиб бориш ва ҳисобга олишни қўлайлаштириш кераклигига, шунингдек бюджетни ҳар бир кишига тўғри келадиган сарф-харажатлар нормативини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва молиялаштиришга ўтиш ишларини тугаллаш зарурлигига қаратдилар.

Мажлисида муассасаларини ислох қилиш жараёнини янада чуқурлаштириш, улар фаолиятини такомиллаштириш вазифаси тиббий ёрдамни ташкил этишга ва бундай ёрдамни кўрсатиш шаклларида янгича талаблар қўйётганлиги, бу эса "Фуқароларни тиббий сугурталаш тўғрисида"ги янги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ишлаб чиқишни, "Бюджет тизими тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва амал қилиб турган қонуности ҳужжатларини такомиллаштиришни талаб қилаётганлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

Муҳокама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилинди. Қўмита мажлисида сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, Молия, Иқтисодиёт, Адлия вазирликлари, Молия вазирлиги газначилиги ва Марказий банк, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек бошқа манфаатдор давлат бодарлар органлари ҳамда нодавлат муассасалар, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этидилар.

(ЎЗА)

Маҳаллийлаштириш дастури ва Кооперация биржаси — тараққиёт омиллари

ТАРМОҚЛАРАРО  
ҲАМКОРЛИК  
РИВОЖЛАНМОҚДА

«Ўзэкспомарказ»да Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси давом этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)  
Ўзбекистон фармацевтика саноати корхоналари учун мазкур кооперация биржасининг аҳамияти катта. Бу ерда тармоқ ичидаги ва тармоқлараро компания, фирма ва корхоналар бир-бирларини ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан яқиндан танишиш ва савдо шартномалари имзолаш имконига эга бўлмоқда. Кооперация биржасида компания тараққиёти қирувчи "Фарм Гласс" қўшма корхонаси "Ўзкимёсаноат" давлат акционерлик компанияси билан 6,5 миллиард сўмлик шартнома имзолади. Биржа яна бир ижобий жиҳати шундаки, у тармоқлараро кооперациядан ташқари тармоқ ичидаги ҳамкорлик ривожига ҳам янада кенг йўл очаётди. Қиймати беш миллиард сўмдан зиёд тайёр маҳсулотларимиз учун шартнома имзолашга муваффақ бўлди. Экспортимиз ҳам изчил ўсиб, сўнгги ўн ой давомида 12 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури беш авлодга пухта билим бериш баробарида мамлакатимизнинг барча ҳабақлари учун малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган. Мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар узлуксизлиги, босқичма-босқичлиги, тизимлиги бўлиналари учун унинг йўналиши билан бирга таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнининг бир-бирига чамбарчас боғлиқлиги, ўзаро интеграциялашуви таъминлангани билан ҳам аҳамиятлiligи. Бу жараён миллий иқтисодиётимизнинг юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий таълим даргоҳларида олиб борилаётган илмий тадқиқот ва изланишлар барча тармоқларда, жумладан, қончилик, энергетика, нефть ва газ, кимё саноатида кенг қўлланилаётди.


Нодир МАНЗУРОВА,  
ЎЗА мухбири

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

## КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий гуруҳимизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир давлат, кучли тарбия воситасидир.

Ислом КАРИМОВ



Ҳар тонг Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи ҳовлисидаги кириб келарканман, сарбаланд хиллириб, турган Ватанимиз рамзи — мамлакатимиз байроғига кўзим тушади. Ҳар тонг шу байроқ остида, ўқитувчи ва ўқувчилар қатори, мадҳиямизни куйлайман. Буюк мамлакатимиз фарзанди эканлигимдан гуруҳ ва ифтихор ҳиссини туюман.

Озодлигимиз, эркинлигимиз рамзи бўлган давлатимиз байроғи ўн олти йилдирки, жаҳон узра хилпираб турибди.

Давлатимиз байроғи Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида, 1991 йил 18 ноябрь куни тасдиқланган. Тасдиқлаш лозимки, мустақилликка эришганимиздан кейин МДХ давлатлари орасида биринчилар қаторида давлатимизнинг асосий белгилари — Байроқ, Герб ва Мадҳиямизга эга бўлди.

Давлат байроғи халқни ўз теварагига тўплайдиган, шодиёна пайтларда ҳам, турфа қийинчиликларни енгиб ўттишда ҳам бутун жамиятнинг маънавий кучларини бирлаштирадиган восита ҳисобланади. Давлат байроғининг ҳуқуқий асоси 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган қонун билан мустақамланган.

Бугун озодлигимиз тимсоли — байроғимиз Эверест чўққисидан буй кўрсатиб турганининг ўзиёқ ҳар қанча фахрланганимизга асос бўла олади. Қолаверса, озод юртимизнинг байроғи халқаро доираларда — Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хори-

жий мамлакатларга сафарлари чоғида, ҳалқаро ташкилотларда, конференциялар ва жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида хилпирамоқда.

Эсимда: мустақил Ўзбекистоннинг байроғи илк бор халқроқ микросда 1994 йили Лиллехаммерда ўтган қишқи олимпиада ўйинларида, олимпаид бўйича мусобақада шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган ватандошимиз Лина Черязова шарафига кўтарилган эди. Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтган XXVII ёзги олимпиада ўйинларида яна бир ҳамюртимиз, боксчи Мухаммадқодир Абдуллаевнинг галабаси шарафига ҳам мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилган!.. Эҳ-ҳе, яна қанча-қанча ҳаяжонли дамлар хотирамизда муҳралиб қолган. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилиб, миллионла юртдошларимизнинг севинчдан бошлари кўкка етган лаҳзалар узок вақт ёдимдан чиқмайди! Биргина Пусан шаҳрида ўтган XIV Осиё ўйинларида Ватанимиз байроғи 51 марта юксакка кўтарилганини фахрланган эслаб бўладими?! Дарвоқе, кун кеча АҚШнинг Чикаго шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида голибликни кўлга киритган ҳамюртимиз Аббос Атоев шаънига Ватан байроғи кўтарилганда шундай элнинг вакили эканлигидан ёш спортчимизнинг гурури осмон қадар юксалган бўлса не ажаб?

Ҳа, бугун байроғимиз — халқимизнинг ифтихори, гурури тимсолига айланди. Буни ҳар биримиз чу-

қур англаб етмоғимиз керак. Ўсиб келаётган ёш авлод онгида Ватанимизнинг озодлиги рамзи билан гуруланиш ҳиссини тарбиялаб бормоғимиз лозим. Токи, улар миллий давлатчилигимизнинг тимсоли бўлган Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўрган жойларида бир лаҳза тўхтаб, унга ҳурмат бажо келтирсинлар. Уларга бу байроқ аждоғларимизнинг қони ва жони эвазига кўлга киритилганини тушунириши лозим зарур. Ана шунда нафақат ёшлар, балки барча юртдошларимиз "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунда таъкидланганидек, мамлакатимиз байроғини эъзозлашни ўзларининг муқаддас бурчи, деб тушунадилар.

Ҳар бир мамлакат рамзларида муайян даражада унинг тарихи, қадриятлари, дунёқараш ақс этгани каби, бизнинг буюк аждоғларимиз ҳам байроқни муқаддас билишган, уни кўз қорачиғидек асрашган. Жанг пайти байроқни душман олдириш мағлубият ҳисобланган. Душман байроғини кўлга киритиш эса, уни енгиш билан баробар саналган. Дарҳақиқат, байроққа муносабат Ватанга муносабатни белгилайди.

Йиллар ўтар, асрлар ўтар, лекин озодлик ва эркимиз рамзи бўлган байроғимиз абадул-абад жаҳон узра баланд хилпираб, миллий гуруримизни юксалтиришга хизмат қилаверади. Чунки давлат байроғи халқни бирлаштириб, ҳар бир фуқарода Ватанга меҳру муҳаббатни кучайтиради.

Шавкат ЁҚУБОВ

## ҲАМЖИҲАТЛИК ИШГА УНУМ БЕРАЁТИР

Самарқанд вилоятида аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар кутилган натижаларни бермоқда. Хусусан, қимматли хомашё — пахта етиштириш ва ҳосил сифатига зиён етказмай барвақт саранжомлаб олиш, залворли хирмонлар яратиш асл деҳқонлар — юзлаб фермерлар учун ор-номус ишигина эмас, манфаатдорлик, илму заковат, бой тажрибаларга асосланган касбу корга айланиб бораёттир.

Вилоят миришкорлари бу йил мамлакатимизда биринчилар қатори пахта тайёрлаш режасини бажаришгани, ҳосилнинг фақат юқори навларга қабул қилингани аграр соҳадаги соғлом муносабатлар самарасидир. Шу тўғрисида пахтачилардан бу йил вилоятда 100 миллирдан сўмликдан ортиқ даромад олиш мўлжалланмоқда. Қўлга киритилган бу меҳнат зафарига Пайриқ, Иштихон, Нарпай, Пахтачи, Пастдарғом, Каттақўрғон туманлари пахтакорлари, айниқса, салмоқли улуш қўшдилар. Мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ҳар гектар ердан 35-40 центнердан пахта етиштириб, шартнома режасини қисқа муддатларда урдашди. Албатта, бу муваффақиятлар замирида вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги қорхоналарда фидокорона меҳнат

қилаётган ишчи-хизматчилар, мутахассисларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Таъкидлаш керакки, вилоят пахта тазалаш заводлари кейинги уч йилда бободоҳоннинг ҳалол меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш мавсумига жиддий тайёргарлик кўраётгани яхши самара бераётти: 2005 йилда «Янгиқўрғон», 2006 йилда «Митан», жорий йилда эса «Зиёвуддин» пахта тазалаш қорхоналари қайта қурилиб, тўлиқ реконструкция қилинди. Натижада хомашё сақлаш мавсуми қисқартирилиб, олинаётган маҳсулот сифати яхшиланди. Мисол учун, 2006 йилги 255698 тонна пахта хомашёсини 2007 йилнинг май ойи бошларида тўлиқ қайта ишланишига эришилди. Қувонарлиси, 2006 йили пахта ҳосилини қайта ишлаш якуни билан

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» пахта толасини сертификатлаш Маркази томонидан вилоят «Пахтасаноат» ХАБ толаннинг юқори сифат кўрсаткичларига эришганлиги учун диплом билан тақдирланди. Бу ютуқларни кўлга киритишда, айниқса, «Зиёвуддин» пахта тазалаш қорхонасининг ҳиссаси катта бўлди. Қорхона жамоаси 2006 йил пахта ҳосилини қайта ишлаш якуни билан қарийб 96 фоиз сифат кўрсаткичига эга бўлиб, бирлашма тизимидаги қорхоналар ичида биринчи ўринни эгаллади. «Зиёвуддин», «Жума», «Челак», «Митан» пахта тазалаш қорхоналари ҳам маҳсулот сифатини юқори бўлишида муносиб улуш қўшди.

Тумандаги пахта етиштирувчи 1218 та фермер хўжалиги билан 28 минг 722 тонна пахта ҳосилини қабул қилиб олиш бўйича шартнома имзолаганди, — дейди Иштихон туманидаги «Митан пахта тазалаш заводи» ОАЖ раҳбари Ақром Тошпўлатов, биз билан суҳбатда. — Қорхонамиз мутахассислари гўза уруғи ерга қадалгандан бошлаб ерга ишлов бериш ҳамда агротехника қоидалари асо-

сида маҳаллий ва минерал ўғитлар солишни оби-тобида олиб борилишига яқиндан қўмақдош бўлишди. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди. Туманимиз вилоятда биринчилардан бўлиб давлатта пахта топириш режасини ортиги билан урдади.

Замонавий технологиялар яхши самарадорлиги ва маҳсулот сифати яхшиланганининг асоси эканлигини яхши тушушдан вилоят пахтани қайта ишловчилари жорий йилда қисқа муддатда «Зиёвуддин» пахта тазалаш қорхонасини тўлиқ модернизация қилди. «Жума», «Каттақўрғон», «Челак» ва «Зиёвуддин» қорхоналари эса кенгайтирилиб, янги модернизацияланган ускуналар билан жиҳозланди.

Айни кунларда бирлашма тизимидаги барча қорхоналар пахтани қайта ишлашга киришган. Дастлабки натижалар ёмон эмас. «Жума», «Каттақўрғон» ва «Челак» пахта тазалаш қорхоналари кунлик тола ишлаб чиқаришда кўпчиликка ибрат бўлгулик ишларни амалга ошираётти.

Олим ҲАКИМОВ, «Адолат» мухбири

## Қарор ва ижро

## ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ ЙЎҚ

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 сентябрдаги «Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларини ичимлик суви ва газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан жойларда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу аҳоли яшаш тарзининг фаровонлашуви, ишлаб чиқариш қорхоналарининг юқори рентабеллика эришишига туртки бўлаётти.

Бошқармамиз жамоаси ҳукуматимизнинг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтган вақт мобайнида қатор амалий ишларни олиб борди. Натижада вилоятнинг узок қишлоқларида ҳам табиий газ етиб борди. Яъни, табиий газ билан таъминтирилган хонадонларнинг жами сон 127580 тага етди. Шундан қишлоқ аҳоли хонадонлари сони 65790 тани ташкил этади. Мавжуд газлаштирилган аҳоли хонадонларига юз фоиз газ ҳисоб-

лаш ускуналари ўрнатилди.

«Навоийгаз» бошқармаси 127580 та аҳоли хонадонлари, 2198 та маиший хизмат кўрсатиш ва 139 та ишлаб чиқариш қорхоналарини табиий газ билан таъминлайди. Аниқроқ қилиб айтганда, вилоятдаги барча истеъмолчиларга 12 та газ тақсимлаш станцияси ҳамда 2668 та газ тақсимлаш қурилмаси ёрдамида 4087,4 километрни юқори, ўрта ва паст босимли газ қувурларини орқали табиий газ етказиб берилди.

Истеъмолчилар эҳтиёжларини тўла-тўқис таъминлаш мақсадида бошқармамиз томонидан 2007-2008 йилги қўз-қўш мавсумига пухта тайёргарлик қилинган, режа асосида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, бу йил 13,1 километрик яроқсиз газ қувурларини мукамал таъмирлаш режага киритилган. Газчиларимиз бу юмушни сентябрь ойидаёқ урдади қўйишди. Шунингдек, газ қувур-

ларини жорий таъмирлаш режага нисбатан 103 фоизга, газ тақсимлаш қурилмаларини техник тафтишдан ўтказиш 101 фоизга бажарилди. Режада белгиланган 132 километр қувурлар, 457 донна газ тақсимлаш қурилмаси ҳам бўёқдан чиқарилиб, қўшқи мавсумга тахт қилиб қўйилди. Айтиш жоизки, қиш мавсумини беккаму кўт ўтказиш фақат газ таъминотчиларигагина боғлиқ эмас. Негаки, баъзи жойларда табиий газдан меъёридан ортиқ, ча фойдаланиш кузатилади. Бу эса бошқа ҳудудларда газ босимининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун бошқарма вакиллари туман ҳокимликлари вакиллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида кенг тушунириш-тарғибот ишларини олиб боришмоқда.

Аҳад АҲМЕДОВ, Навоий вилояти шахар ва туман газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

## ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Президентимизнинг 2007 йил 27 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори тўғрисида тадбиркорларга яна бир қулайлик яратилди.

Айни вақтда яқна тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ҳамда юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликлари фаолиятини тўхтатиш мазкур қарор ижроси юзасидан қабул қилинган Низомга асосан ҳеч бир чекловларсиз бажаришмоқда. Шу ўринда алоҳида эътироф этиш жоиз: қарорда ихтиёрий равишда тугатилган тадбиркорлик субъектлари бўлиши юридик шахслар учун қатор имтиёзлар берилган, бу фуқароларнинг орқича овозгарчиликларининг олдини олиш билан бирга, уларга кераклича енгиллик ҳам бераётти. Жумладан, рўйхатдан ўтказган орган тадбиркорлик субъекти бўлиши юридик шахсининг ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилган қарори ҳақида хабардор бўлган кундан эътиборан, ер, мол-мулк, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи, худди шунингдек, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаш тўхтатилади. Бунда, албатта, рўйхатга олган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб 9 ойдан ошиб кетмаслиги керак.

Бахтиёр ОРИФЖОНОВ, Ўртачирчиқ туман ДСН бўлим бошлиғи

## Сўраган эдингиз ИШОНЧНОМА ҚАНДАЙ ТАСДИҚЛАНАДИ?

Нотариуслар бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ишончномаларни гувоҳлантириши мумкин. Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи ва кунини, ишонч билдирувчи ҳамда вакил қилинаётган шахсларнинг фамилиялари, исмлари, оталарининг исми, турар жойлари, зарур бўлган ҳолларда эса эгаллаб турган лавозимлари кўрсатилиши керак. Адвокатлар номига берилган ишончномаларда адвокатнинг иш жойи кўрсатилади.

Ишончноманинг амал қилиш муддати сўз билан ёзилиб, бу муддат Фуқаролик кодексининг 139-моддасида кўрсатилган ҳоллардан ташқари барча ҳолларда уч йилдан ошмаслиги керак. Амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома тузилган кундан бошлаб бир йил давомида ҳақиқий ҳисобланади. Тузилган санага кўрсатилмаган ишончнома эса ҳақиқий эмас, деб топилади.

Ишончнома берилган шахс, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахсининг манфаатларини ҳимоя қилишга шариот мажбур қилса, буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилган ҳолда, у бу ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин.


Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган ишончноманинг муддати охиқ бўлиши мумкин.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончномада асосий ишончнома гувоҳлантирилган вақт ва жой асосий ишончнома берилган шахсининг ва бу шахс ўз ваколатини ишонч топираётган кишининг исми, отасининг исми, фамилияси ва истикомат қиладиган жойи, зарур ҳолларда эса уларнинг мансаби мавқеи кўрсатилиши керак.

А.ДЎСТОВА, Каттақўрғон шаҳридаги 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси

## «МИКРОКРЕДИТБАНК» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялли ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси йил сайин ошиб бораётгани, бу ҳаққимиз фаровонлигини оширишда муҳим омилига айланаётганини мустақиллигимиз ютуқларидан биридир. Аҳолига барча турдаги банк хизматлари кўрсатиб, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашни ўзининг биринчи гадиси вазифаси деб билган «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ҳам шубҳасиз ана шундай ютуқлар сирасига кириди.



Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил 5 майда ташкил этилган мазкур банк қисқа вақт ичида ўз мижозлари ва доимий ҳамкорларини топа олди. Бугунги кунда 75 та филиал, 269 та минибанк ва 9 та агентлик орқали кўрсатаётган хизматлари билан банк наинки шаҳарлар ҳамда йирик аҳоли пунктлари, балки республикамизнинг узок қишлоқларини ҳам қамраб олди.

Навоий вилоятида банкнинг иккита филиали ва 13 та минибанк фаолият кўрсатаётти. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги кичик бизнес субъектларига хизмат қилмоқда. Банк томонидан ажратилаётган микрокредитларнинг сони ва миқдори таҳлил қилинса, уларнинг кўп қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига сафарбар этилганлигининг гувоҳи бўла-

сиз. Бу, табиий. Зеро, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш кўп жиҳатдан нафақат шаҳар, балки туманларда ва, ҳатто узок қишлоқларда ҳам қулайликлар яратиш, яхши яшаш учун зарур бўлади. Ҳар бир хизмат турларини ташкил этиш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз ҳудудларида маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида банклар зиммасига ҳам аниқ вазифалар юклатди. Бу вазифаларни «Микрокредитбанк» ўз микросарможалари орқали амалга оширмоқда. Чу-

«Маҳалла» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг масъул ходимлари ёрдамида аҳоли пунктларида маиший хизматнинг қайси турлари керак бўлаётганлиги аниқлаб чиқилди. Сўнгра соҳани микросармолаш дастури тузилди. Ҳозир бу дастур босқичма-босқич бажариб келинапти.

Маълумки, вилоят ҳудуди кенг. Агар Навоийдан Томди томон йўл олади-ган бўлсангиз, роппароса 300 километр йўл босиш зарур бўлади. Саҳро қўйида мавжуд аҳоли пунктлари учун эса сервис хизматлари айниқса муҳим.


Томдилик Сарсенгул опа Жумабоева оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун туман марказига яқин, серкатор йўл устидан бир бино олиб уни кўнгилдагидек таъмирлади ва бу ерда аёл-

лар либослари тиқишни йўлга қўйди. Ишга ўз келинларини жалб этган опа банкдан кўп эмас, атиги 500 000 сўм микрокредит олди. Тез орада янги хусусий қорхона тиккан либослар доғруғи бутун Томдидулоққа ёйилди. Тикув цехига бўлғуси келинлар ўз сарполари учун олган газламаларини олиб кела бошлашди. Шундан сўнг цехда чўпонлар учун иссиқ пахталик шим камзуллар ҳам тикила бошланди. Кўп ўтмай қорхона олган кредитини қайтариб, ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун кредитга буюртма берди. Натижада цех ёнида сарталоқ устaxonаси ҳам иш бошлади. Хуллас, тадбиркорнинг устaxonаси тезда одамларнинг энг гавжум жойига айланди.

Томдидлик ана бир тадбиркор аёл Фарида Муҳаммеджоновна аввалгига тикувчилик ишлари билан машғул бўлиш ниятида «Жигер» номли кичик қорхона очди. Ишлар юриши кетганидан сўнг шу ерда ва қора рангли кигизлар босиб, ўтов ясашни

йўлга қўйди. Тайёрланган биринчи ўтов туман марказига ўрнатилди. Чўпонлар учун гоёт қулай ва зарур кўчма уйга эҳтиёж бор экан, бирин-кетин буюртмалар туша бошлади. Ҳозир кичик қорхона ўз иқтисодий салоҳиятини тиклаб олиб, нафақат республикамиздан, ҳатто қўшни мамлакатлардан ҳам буюртмалар олмақда. «Элит универ бизнес» хусусий фирмаси амалга ошираётган ишлар ҳам худди шу йўналишда. Унинг раҳбари Бахтижон Сақтаганов камбў хомашё — тўя юнгидан кийим-кечаклар тайёрлашни мақсад қилди. «Микрокредитбанк» бундай буюмлар тайёрлаш дастгоҳлари олиб бериш учун қорхонага 12,4 миллион сўм миқдорда микролизинг хизмати кўрсатди.

Яқинда Конимех туманида автомобилларга кенг кўламада техник хизмат кўрсатувчи устaxonа ишга тушди. Тўлқин Абдумуродов томонидан ташкил этилган бу хусусий фирма «Аслиддин сервис» деб ном олди.



Фирмага «Микрокредитбанк» 10 миллион сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатди. Ёки Нурута туманидаги «Камолот чевари» қорхонасини олин: «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан банк қорхонага 62 миллион сўм микрокредит ажратди ва уни замонавий тикув жиҳозлари билан таъминлади. Танлов асосида 8 нафар чевар ишга тақдир этилди. Айни кунларда «Камолот чевари» ёшлар-

нинг энг ишончли масканига айланди.

Банкнинг хизмат кўрсатиш соҳаси кенг. Масалан, ўтган ярим йил мобайнида савдо ва умумий оқватлашни тизимида — 81,1 миллион сўм, транспорт, алоқа ва телекоммуникацияга — 19,5 миллион, коммунал ва маиший хизматларга — 204,4 миллион, автомобиль ва бошқа техникаларни таъмирлаш ишларига — 0,6 миллион, спорт ривожига — 3 миллион сўм, бошқа хил хизматлар ташкил этишга — 22,5 миллион сўм сарф этилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ўзига, ўтган қисқа вақт ичида 300 нафарга яқин мижозга 400 миллион сўмлик имтиёзли сарможалар берилди. Шунингдек, 105 миллион сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Хуллас, «Микрокредитбанк»нинг Навоий вилоят филиали жамоасининг хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш ишига қўмаклашиш бора-сидати дастури узок даврга мўлжалланган. Мазкур дастур бугунги кунда маҳаллий ресурсларни ишга солиш ва ҳалқимиз учун зарур маҳсулотларни етказиб бериш асосида изчил амалга оширилмоқда.

Насиба ИСМАТОВА, «Адолат» мухбири



# ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН БАРКАМОЛ



Носир ХАЙДАРОВ  
олган суратлар

Юртимизда спортнинг каратэ тури тобора ривожланиб бормоқда. Буни жаҳон татамларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимиз доимий равишда шохсупанинг энг юқори погоналаридан жой олишга талонли бўлиш мумкин.

Нуфузли халқаро мусобақалардаги бу каби ютуқлар, зафарлар ортида, албатта, илк куйилган қадам, тўғрироғи, спорт даргоҳларидаги бошланғич тайёргарлик, чинқиш ва малака муҳим роль ўйнайди.

Пойтахтимиздаги «Азамат-Карим» спорт-соғлом-

лаштириш клубини республикамиздаги эмас, кўпгина хорижий мамлакатлардаги каратэ ихлосмандлари яхши билишади. Негаки, клубга қарашли филиалларда минглаб ўғил-қизлар малакали мураббийлар кўл остида шуғулланишмоқда.


Са, Шарқ яккакураши сирасорларини пухта ўрганаётган ёш спортчилар турли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишмоқда. Ҳамза туманидаги 212-мактабда ҳам клуб филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Жисмонан соғлом, ақли теран инсон бўлиб воёга етишим зарур, деган инсон спорт, чунончи, каратэ билан ошно тутунади, — дейди клуб филиали мураббийи Мирсаид Миртолипов. — Ҳозирги пайтда бу ерда 30 нафарга яқин ўғил-қизлар ҳафтада уч мартадан машғулоти олиб боришади, тўғрироғи, чинқишади. Энг қувонарлиси, улар орасида 3-5 ёшли

болалар ҳам бор.

Дарҳақиқат, юз-кўзларидан нур балкиб турган шижоатли ёш каратэчилар билан суҳбатимиз асносида шунга амин бўлдики, уларнинг мақсадлари хайрли, бир-бирига ҳамоҳанг — жаҳон спорт майдонларида жонаҳон Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариш! Улуғбек Қаҳрамонов, Исрол Каримов, Жаннат Нуржоновна, Чарос Орзикулова, Умиджон Умаралиев, Темура Қаҳрамонов, Азиз Абдуқудузов каби спортсавар ёшлар ана шу эзгу ниятга эришиш учун устозлари кўмагида пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Мухлиса ОЧИЛОВА



Тиббиёт

## НОННИНГ УШОҒИ ҲАМ НОН

Нон — асли дон.

Нон боласи — нон ушог.

Нон — ақил, ош — маърифат.

Нон бўлса бас, ўзгаси — ҳаёс.

Нон емоғи бўлсан,

ўтган таъминдан эришма.

Нон далали — ақл тўғри.

Нон тушунча, қўлча қўр.

Нон қон бўлса, қон жон.

Нон ҳам нон, ушог ҳам нон.

Нонни халта таъминдан ҳам,

ақли халта таъминдан.

Нонни меҳнат тоғин,

меҳнатдан нон тоғин.

Нонни ушогдан, қўлча ошма.

Нонни юзга қўйилган, е, бўшани — бир қўйилган.

Нонни яшаб бўлмас, қўрқу ақли ошиб бўлмас.



## ХИЗМАТИДАН ЭЛ МАМНУН

Буёғи кунда пойтахт вилоятининг Куйичирчиқ туманида 3 та шифохона ва 18 та қишлоқ ёрдамчи пункти аҳоли саломатлиги йўлида беминнат хизмат кўрсатмоқда. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, малакали шифокорлар фаолият юритаётган шифо масканларида беморлар дардларидан фориғ бўлишмоқда.

Шу ўринда, сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим маълумотларни келтирсак. Бу йил «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича туман даволаш-профилактика муассасаларига жами 41 миллион 172 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Шунингдек, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда туман марказий шифохонасининг иктомий ривожланиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шифохоналар 1 миллион 351 минг

сўмлик юмшоқ жиҳозлар, 8 миллион 584 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Етарли қулайликлар яратилган шифохоналарда ўмирлар саломатлигига ва ёшга доир касалликларни олдини олишга катта эътибор қаратиляпти. Хусусан, бу йил тумандаги ўмир қизлар тиббий куридан ўтказилиб, касаллиги аниқланган 142 нафари соғломлаштирилди. Мактаб, коллеж ўқувчилари ўртасида саломат-

ликни муҳофаза қилиш мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда малакали шифокорлар ёшларда учрайдиган касалликлар ва улардан қандай сақланиш кераклиги ҳақида маълумотлар беришди.

«Ихтимойий ҳимоя йили» Давлат дастури юзасидан ҳам туман соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзгалар парварошига муҳтож ва ёлғиз кексалар 9 ой мобайнида 987 минг сўмлик бепул дори-дармонлар билан таъминланди. Бир сўз билан айтганда, туман шифокорлари хизматидан ёшлар қари бирдай мамнун.

У.САТТОРОВ,  
«Адолат» мухбири

## XX аср ўзбек ҳикояси

кўзлар! Шу кенглиги оммага маъқул-да каттаимизнинг.

— Зур, зур. Гапга жуббо кийдирадлар. — Ҳа-да. Чунончи, мана сени отинг билан айтиб, алоҳида атаса, сен ҳовлиқиб, бир қарич ўсиб, яна, худо сақласин, очилиб кетиб, ҳамма ёқни саволга тўлдириб ташлармидинг! Шундай эмасми?

— Шундай.

— «Қора кўзлар» деганда эса ҳамма бир қилидан чиққандай баб-баравар. Ҳеч қим ҳовлиқмайди ҳам, камситилмайди ҳам.

— Ҳа.

— «Қора кўзлар» деди-ю, лекин яна саволпарастлиги тутиб, ўрнидан туриб кетди.

— Ҳай, биродарлар, айтганча, бу мустақил ҳаракат қилинлар, дегани қанақа бўлади?

— Ўзларинг билиб йўлини топинлар деганидир-да.

Асқад МУХТОР

## ЧОДИРХАЁЛ

олган Бешинчи. Ҳозир унинг иши кўп — ҳамма жойда шифтдан тушган кесаклар сочилиб ётибди. — Телда сендан катта одамлар ўтиришди. Ўйлашади.

— Сизнинг гапингиз ҳам гап, — деди Еттинчи, — биз кичкина одамларимиз.

Энди ҳамма ўз ишига киришган эди ҳамки, столдаги телефон чанг-ғуборини тўзғитиб жиринглаб қолди. Яқинроқда турган Олтинчи трубкани олди.

— Аҳвол қалай? — деган овоз эшитилди.

— Аҳвол ёмон эмас...

Трубкадан келатган овоз, шубҳасиз, Ҳоким Тўраевичники эди. Ҳамма жим бўлди. Бироқ телефон симлари шикаст еган экани, қанча нафас ютиб қулоқ солишмасин, барбир уёғини яхши эшитишолмади. Лекин Олтинчи топириқни яхши уққан эди, оммага етказди.

— Ҳоким Тўраевич, аввало, қора кўзларга менинг саломини етказинг, дедилар.

— Ана, айтмадимми, ўйлайдиган катталаримиз бор, ақаси, — деди Бешинчи киприклари кўлқопи билан артиб.

— Ҳа, ўйлашапти, — давом этди Олтинчи. — Фордагиларни қутқизишни ўйлади, дедилар. Аммо биз ташқаридан қазийлик десак, бу хавфли экан, тепаликнинг бирор жойи бутунлай босиб қолиши бор. Шунинг учун топириқ бўндай: ўзларингиз шароитга қараб эҳтиёт билан мустақил ҳаракат қилинлар, дедилар.

Топириқни олгандан кейин ҳамма эркин, чуқур сўлиш олиб, хотиржам бўлди. Худди қора ер қазининг зим-зиё тутқулгидан бир мўъжиза билан қутулиб, бирдан ёруслика чиққандай, яйраб ўтириб қолдилар. Ҳоким Тўраевичнинг овозидан эрибқот ўтирган Бешинчи Еттинчига қаради:

— Ҳаммамиз учун хурмати Ҳоким Тўраевич доно одам-да, тоғлимини қаранг: «Қора кўзлар!» Муомала деб бунни айтди. Қаранг, ҳеч қимни бошқалардан ажратиб ҳам атамайди, ҳеч қимни ҳафа ҳам қилмайди. Ҳаммага ёқимли — «қора

— Ўзимиз қаёқдан биламиз, кўрсатма бўлмади-ку?

Еттинчининг «саволчи»лигига ўрганиб, бунга парво қилмай қўйган одамлар бу саволга ҳушёр тортишди. Чиндан ҳам, ўз билгичи иш қилиш мумкин экани, унис қанақа бўлади?

— Телефон қилиш керак, айтишсин! — деди Иккинчи.

— Телефон қилиб бўлар эканми. Телефон бир томонлама-ку.

— Қандай «бир томонлама»? — деди Еттинчи.

— У томондан гапириб бўлади, бу томондан — йўқ. Уқдинми?

— Қандай? — деди. Сира тинчимаси бу «саволчи». Гуё фақат у ҳамма нарсани билиш керак. Дарров била қолиши керак. Биринчи унга яна тушунтириб қўйишга мажбур бўлди:

— Менга қара, телефон икки томонлама ишлаша, тартиб бўладими! Сен телефон қилсанг, мен телефон қилсам... сен билан менга ўхшаганлар нечта? Ҳоким Тўраевич бўлса...

«Нима қиламиз бўлмаса?» — бу савол ҳамнинг ҳам кўнглида бор эди. Бу «саволпараст» подани бўлгади тегишли-да. Биринчи марта бундай безовта бўлишлари. Рухий безовталиқ ёмон экан, ҳаловат қолди. Бу қийноқдан қўра, тепаликни ўша кўрсатилган жойдан қазийверган осонроқ эди. Қавлай-верилса бир жойдан чиқилади-ку ахир.

— Биз янги кўрсатма олдик, демакки, эскиси беқор бўлди. Янги кўрсатма шундан иборатки, мустақил ҳаракат қилиш керак, — деди Олтинчи қорозиға қараб қироат билан. — Бу аввалгисидан мушкулроқ, албатта. Аммо шундай бўлиши қонуний. Чунки топириқлар тобора оғирлашиб бормаса, олға қараб силжиш бўлмайди.

— Бир жойдан қавлаб, тешиб чиқиш керак. Ҳаво кирсин, йўл очилсин.

— Ундай кўрсатма бўлган эмас...

(Давоми келгуси сонда.)

## ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ ФАСЛ

Болалар шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Дилмурод Жаббор билан суҳбат

— Болаликнинг қай бир лаҳзалари хотиранингизда муҳрланиб қолган? Болалар учун шеър ёзишга ҳавас Сизда қандай уйғонган?

Болалик палласи қисқа мавсум. Аммо болалик — умрининг мусаффо, бебаҳо палласи, ғала-ғовурлар, миш-мишлар, алдов-ёлғонлардан холи. Боланинг орзулари бир олам, керак бўлса, истаклари ўзидан ҳам катта бўлади. «Болагим» — пошолоғим» деб бекор-га айтишмаган. Мен бу ўсиб-улғайиш фаслини жуда-жуда қадрлайман, гоҳо ўша лавиз хотираларни ёдга олиб тураман. Шоир Мирзо Кенжабекнинг бир шеърда шундай гўзал таъриф бор:

Менинг ёдларим дунёнинг йўлдор,  
Холмасан кўнги деб аталган ҳисдон.  
Гўдаклар палласи билан улғур,  
Соддалик билан катталик бирдон...

Чиндан ҳам бола дили шубҳа-ғумондан холи, унда поклик бор, бегуборлик бор. Бу содда кўнгилчаларга ҳар қандай ғараз иллатлар бегона. Шу ўринда файласуф адиб Жуброн Халилнинг «До-нишмандлар ҳикматлари» китобидаги болалар

ҳақидаги мантикий бир мушоҳадани келтирсам. «Бола кўтариб турган бир аёл авлиёдан сўради:

— Бизга болаларимиз ҳақида гапиринг.

Авлиё жавоб берди: — Болаларингиз сизники эмас. Улар — Умр, Ҳаётнинг ўғил-қизларидур. Уларни сизлар дунёга келтирасизлар, аммо улар сизлар учун дунёга келмайдилар...

Сизлардан болалар меҳрингизни олади, аммо кўнглингизни ва фикрингизни олмайди. Чунки уларнинг ўз кўнгли, ўз фикри бор...

Сиз Аллоҳ қўлидаги камонсиз, болалар камондан унган ўқлардир, улар сиздан кўра узокроққа боради».

Болагимда ишонган тоғим — бовим эди. Кенгмўл қўйлақларининг чап енгини унга ўраб, мен учун олиб келинадиган икки жуфт парварда, қанди эсласам ҳозир ҳам тамшаниб-тамшаниб қўяман. Салкам саксонни қоралаётган бовимнинг дугонаси Хуррам моёмо билан очилиб-сочилиб гурунглашганларини эсласам, кексалликда ҳам учига жамалак

тақилган соч ўрмини, дугонасини қайноқ чой-у майиз билан сийлаганларини хотирласам, этим жунжикиб кетади. Шўхлик қилиб қўйганимда она-отам койгудек бўлса, бовимдан нажот кутиб термўлган дамларим хотирамда муҳрланиб қолган. Мен бу «боши оппоқ қорли тоғ»нинг бағридан доимо фаноқ тоғланман.

Китоб ўқишга ҳавас ҳам ўша кезлар уйғонган бўлса керак. Отанинг кутубхонасини ҳар қуни алғов-далғов қилишга одатланиб қолганим. Бир қуни қўлимга чиройли хуснахатда ёзилган «Шеърлар дафтар»и тушиб қолди. Ушанда 8 учинчи 8 туртинчи, синфда ўқирдим. Шеърлар муаллифи отам эканлигини англадим. Ҳамон эсимда, дафтардаги шеърлар табиат, қушлар, набобот олами ҳақида эди. Уларни ўқиб, шеър ёзгим келди. Биринчи «шеърим»ни баласи ҳорға бағишлаб ёзганман. Олдий хабардан иборат ўша машинини отам ўқиб роса қувонгани кечагидек кўз олдимда. Ушанда битта сўз айтилди: «Ёзавери!» Ёзавери-ёзавери, турли нашрларга шеърлар жуна-

тиб туришни ҳам қанда қилмадим. «Ғунча», «Гулхан»дан шеърларимга фикр билдириб ёзилган жавоб хатларини почтачи Икром бобо иззат-икром билан шахсан қўлимга бериб кетарди. Биринчи шеърим 9-синфда ўқиб юрганымда босилган, Туман газетасининг туртинчи саҳифасида «Баҳор келди ҳур диёримга» сарлавҳали шеъримни қўриб, Икром бободан яна битта газета беришини илтимос қилганман. Икром бобо: «Хўп, болам», деб тагин битта газета бериб кетган...

— Болажонларнинг дилига яқин шеърлар ёзиш, уларнинг мурғак қалбига йўл топиш осон бўлмаса керак?

— Ҳозирги болалик бизнинг даврдаги болалик эмас. Декламация мотивидаги қуруқ ваъзаларга бунининг боласи ишонмайди. Умуман, бола билан «тил топишиш», аввало, унга қилинган муомалага боғлиқ. Унга гўдак ёки бола, деб нописандлик билан эмас, катталарга қилингандек муомалада бўлсангиз, у сизга бахри-дилини очди.

Болажонларнинг дилига яқин шеърлар ёзиш учун ҳаёлан, руҳан болаликка қайтиш керак. Ўзбекистон халқ шоири, болафешъ устозим, раҳматли Пулат Мўмин айтувдилар: «Дилмурод, болаларга шеър ёзиш учун тиззаларингни букиб, бўйингни боланинг бўйи билан баробар қилсангиз, у сизга дилини очди, ўзини яқин тутди. Шундангина илмоқли гапларингиз ҳам бола бағрақ қолмайди». Ҳа, боланинг ишончига кириш асосий масала. Мақтанганга йўлманг-у, қишлоққа борсам мени катталардан кўпроқ болалар сўраб келди. «Янги китобингиз қачон чиқади?», деб сўроққа тутишди.

Болаларимизнинг маънавияти, маърифати бўлиб ўсишлари учун, аввало, оила муҳитини, сўнг мактаб дарсликлари сифатини яхшиламоғимиз лозим. Айрим катта ёшларлар ўзаро суҳбатга болаларни яқинлаштиради. Қўйинг, суҳбатингиз дилхаш, пурмаъно бўлса, фарзандингиз ҳам эшитсин, баҳра олсин. Ёши улғу ота-оналар-ку фарзанд тарбияси билан имконлари етган

қадар шуғулланишган. Аммо айрим ёш ота-оналар китоб деб аталмиш жабоҳирлар сандигидан бебаҳра ҳолда фарзанд тарбиялашмоқда. Бундай тарбия тўла-тўқис бўлмаслиги аён.

— Ўзбек болалар шоирлари, адибларидан кимларнинг ижодини кўпроқ қадрлайсиз? Қайси ижодкорларнинг асарларини болаларга тавсия этган бўлардингиз?

— Саксонинчи йилларнинг бошларида институтни тугатиб, аввал вилоят газетасида, сўнгга Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро вилоят бўлимида адабий ходим бўлиб ишладим. Ташкентдан кўп шоирлар шахримизга ташриф буюрдилар. Мен ўзим ўқиган мактабга шоирларни бошлаб борардим. Сафар Барноев, Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳидов, Рауф Толиб, Абдулҳан Носир, Мухаммад Салом сингари унлаб шоир, ёзувчилар мактабимиз меҳмони бўлишган.

Мен ҳеч иккиланмай болалар шеърятининг пеш-қадамлари Анвар Обиджон, Турсунбой Адашбо-

ев, Қамбар Ўтаев, Абду-саид Қўчимов асарларини ёш китобхоналарга тавсия этаман. Юқорида номларини эитган эдиларини бир муҳлис сифатида кейинги авлод вакиллари Кавсар Турдиева, Абдураҳмон Акбар, Дилшод Ражаб сингари болалар шоирларининг ижодига ҳам меҳрим бандан. Хуллас, вақт экинчилигини ҳисобга олиб, болаларга танлаб ва англаб ўқишни маслаҳат берган бўлардим.

— Газетамиз муштарийларига, ўқувчи ёшларга тилакларингиз...

— Энг муқаддас маскан — мактаб, энг мўтабар инсон — муаллим эканлигини унутмайлик. Болаликдек мусаффо гўмбазли фаслининг пойдевори-ни ростқўйлик, ҳақиқатга фидойилик билан қурайлик. Вақти келиб катталар оламига қўядиган қадамингиз қўтулғу келсин! Ватанин кўз қорачи-гидек асрашни ўрганинг. Истиқлол гўнчалари барқ уриб оламга муаттар бўй таратаверсин!

Суҳбатдош:  
Гулсум ХУДОЙҚУЛОВА

## КЕЛИНГ, КУЛИШАМИЗ!

— Дада, нега қадимги греклар айларини ғалаба рамзи сифатида тасвирлашган?

— Уйлансанг, биласан...

\*\*\*

— Хотинининг туғилган кунига «Пулни қандай иқтисод қилиш мумкин?» деган китоб совға қилдим.

— Натижаси қандай бўлди?

— Э, сўрама, чекишни ташлашди. Яна нақ ўн кило озиб кетдим.

\*\*\*

— Сизга нима бўлди, дўстим?

— Машина урворди.

— Нима, қўлтиқаёқда юролмаяпсизми?

— Ўзим ҳам билмайман. Дўхтир, юра олмасиз деса, адвокат юра олмайсиз, даяпти?

\*\*\*

Хотин пол ювяпти, эри диванда газета ўқиб ўтирибди.

— Оёғингизни кўтаринг, полни артиб олай.

— Менинг ёрдамимсиз бирорта ҳам иш қила олмайсан-а!

\*\*\*

— Кеча мен лотереядан минг сўм ютиб олдим.

— Зўр-ку, хотининг роса хурсанд бўлгандир.

— Албатта, қувонганидан тилдан қолди.

— О, бирданига иккита бахт!

АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА  
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»  
СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat\_gazeta@mail.ru

### Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Иқбол МИРЗО,  
Турсунали ҚЎЗИЕВ,  
Турғунпўлат ДАМИНОВ,  
Равшан ХАЙДАРОВ,  
Мамазоир ХЎЖАБЕРДИЕВ,  
Исмоил САЙФНАЗАРОВ,  
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,  
Светлана ОРТИҚОВА,  
Мукаррамхон АЗИМОВА,  
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,  
Камол АЛЛАЁРОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан 0018 рақами  
билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86;  
котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида  
сахифаланди

• «Адолат»дан қўчириб босиш